



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУДОФАА САНОАТИ МАЖМУАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Мудофаа sanoati агентлигининг Тошкент вилоятида жойлашган ишлаб чиқариш кластерига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, уларни замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, Янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети, халқимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини кафолатли таъминлашга қодир янги армияга айлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда қўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлиги самараси ва сифатини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг малака ва кўникмаларини юксалтириш учун замонавий шартитлар яратиш мақсадида зарур инфратузилмага эга бир қатор ўқув полигонлари барпо этилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда янги босқичга кўтарилаётган мудофаа sanoati модернизация қилиш ва салоҳиятини оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда ўтган йилнинг январь ойида Президент Мудофаа sanoati агентлигини Мудофаа вазирилик тизимига ўтказиш ва унинг фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан топшириқ берган эди.

Агентлик томонидан зарур ҳарбий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий ҳарбий техникаларни харид қилиш ва қўшинларга етказиш ҳамда мавжуд қурол-аслаҳа намуналарини модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бугунги ташриф давомида Президентимизга Мудо-

фаа sanoati агентлигининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар ва келгуси режалар тўғрисида ба- тафсил ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ қисқа муддатда Мудофаа вазириликнинг бир неча техник бўлинмалари негизда кенг қўламли қурилиш ишлари бажарилди, мавжуд объектлар мукамал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Кластер ҳудудига Мудофаа вазириликнинг техникани таъмирлаш заводи ва Марказий автомобиль техникасини сақлаш базаси кўчирилди.

Янги кластер ҳудудига жойлашган корхоналар ўзаро интеграция қилиниб, уларнинг ягона таъмирлаш цехлари ташкил қилинди. Мазкур корхоналарда қурол-яроғ ва ҳарбий техника, радиолокация қурилмалари, оптик ва электрон-оптик асбоблар, ўқотар ва артиллерия қуроллари модернизация қилинмоқда ҳамда металлларга юқори аниқликда ишлов берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу қувватлар фаолияти билан танишиб, соҳага илғор технологияларни кенг жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш зарурлигини қайд этди, корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Саноат тармоқларига, шу жумладан, мудофаа sanoati-га "яшил" технологияларни кенг жорий қилиш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда электр энергия-

сини иқтисод қилиш мақсадида кластер ҳудудига қуёш панеллари ўрнатилган. Бу ишлаб чиқариш жараёнларининг электрга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини муқобил манбалар ҳисобидан таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига Мудофаа sanoati агентлигининг янги кластеридagi ишлаб чиқариш қувватлари томонидан таъмирланган ва модернизация қилинган ҳарбий техника ва қурол-яроғ намуналари намойиш этилди.

Мудофаа sanoati маҳсулотларининг тақдирини чоғида давлатимиз раҳбарига "Келажак аскарини" мажмуаси таркибига кирувчи махсус аслаҳа ва анжомлар тўплами амалда намойиш этилди. Ушбу тўплам мамлакатимиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг хусусиятлари жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган муқобилларидан қолшимайди.

Ташриф чоғида Олий Бош Қўмондон янги турдаги ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича корхона фаолиятига старт берди. Маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, муҳандис ва мутахассислар малакасини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Яқунда Президентимиз мутасаддиларга мудофаа sanoati корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Ў.А.

### ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

## Инспекция ходимлари учун семинар-тренинг

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида ҳудудий инспекцияларнинг масъул ходимлари учун навбатдаги семинар-тренинг ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги 460-сонли қарорларига мувофиқ назорат инспекторларини мақсадли ҳамда қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда амалиётга таътиб этилган янгича ёндашувларни ўргатиш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 619-сон қарорига мувофиқ, айрим қарорларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, жумладан, 2024 йил 1 апрелдан ҳудудий инспекциялардан рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларни инструментал техник текширувдан ўтказиб, фойдаланишга рухсат бериш ишларининг тўхтатилиши ҳақида масъулларга тушунтирилди.

## БСК вакиллари билан учрашув

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б. Негматов ва бошқа мутасаддилар вилоятда фаолият юритувчи бошқарув сервис компания ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари билан учрашди.

Йиғилишда бошқарув ташкилотлариға кўп қаватли уйлар атрофида белгиланмаган жойларга чиқинди ташлашнинг олдини олиш, бунда Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Экология ва ИИБ инспекторлари билан биргаликда жамоатчилик навбатчилигини ташкил қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, мажбурий бадал тўловларидан юзага келган дебитор қарадорликни 2024 йилнинг 1-чорагига қадар

мулкдорлардан тўлиқ ундириш ва ойки тушуми режасини бажарилишини таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Тўловларни тўлиқ "Менинг уйим" биллинг тизими орқали онлайн амалга оширилишини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Мутасаддилар бошқарув ташкилотларининг соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларини қабул қилиб, саволларига атрофлича жавоб бердилар.

## ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ СПОРТ КОШОНАСИ

Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани "Лалмикор" маҳалла фуқаролар йиғини, 2-сектор ҳудудидagi қаровсиз бино қайта таъмирланиб, ёшлар учун спорт объекти сифатида фойдаланишга топширилди.

1970 йилларда қурилган ушбу туман болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва "Лалмикор" МФЙ идораси сифатида фаолият юритиб, кейинчалик қаровсиз аҳволга келиб қолган эди.

Бино қайтадан тўлиқ таъмирланиб, атрофида боғ ташкил этилди. "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2023 йил 1-мавсуми доирасида 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Зарбдор спорт мактабининг янги, замонавий ушбу филиалида 3 та спорт зали мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида кураш, мини футбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон, шахмат ва шашка спорт тўғрақларида мунтазам машғуллар олиб бориш мумкин.

Спорт объектининг тантанали очилиши ҳамда "Армия - жасорат, матонат ва билим маскани!" шiori остидаги ушбу тадбирда туман секторлари раҳбарлари, нуронийлар, "Н" ҳарбий қисми офицер ва сержантлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Туман ҳокими Зафар Рўзиев Ватан ҳимоячилари кўни ҳамда спорт объектининг очилиши муносабати билан туман ахлини самимий қутлади. Туман ма-

даният бўлимига юртбошимиз томонидан совға қилинган янги "Дамас" автомашинасини тантанали равишда топширди.

Айнан шу тадбирга ҳамроҳ равишда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилишининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь - Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги маданий-маърифий ҳамда ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари барчага манзур бўлди.

Шунингдек, туман ёшлари ўртасида кураш, мини футбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон, шахмат ва шашка спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиб, совриндор ва турли номинация соҳибларига ташкилотчилар ва сектор раҳбарлари томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари берилди, деб хабар қилади Ў.А муҳбири Абдужалол Қанонов.

Тадбирнинг бадий қисмида ҳарбий оркестр ижросидаги куй-қўшиқлар, республикамиз пойтахтидан келган танкили санъаткорларнинг чиқишлари, туман маданият бўлими хонандалари ва ижрочи ёшлар томонидан намойиш этилган концерт дастури барчага хуш кайфият бағишлади.

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари кўни

Шерзод АБДУСАМАНОВ.

# АСЛИДА БУ БАЙРАМ ҲАММАМИЗНИКИ!

Муаллим мактабда дарс берар ёниб,  
Унга келажакни бердик ишониб.  
Шогирд ютуғидан кетар қувониб,  
Аслида бу байрам ҳаммамизники!

Белморга энг яхши даво қайда бор,  
Ундан ширин сўзни аяманг, зинҳор.  
Балки табибдирсиз, балки шифокор,  
Аслида бу байрам ҳаммамизники!

Сарҳадларда хушёр турар ҳарбийлар,  
Ватан муқаддасдир, билар ҳарбийлар.  
Қутласак, такрорлаб айтадиз улар: –  
"Аслида бу байрам ҳаммамизники!"

Чегара хизмати ходимлари ҳам,  
Туну кун хизматда, биз-чи хотиржам,  
Бирингиз акамсиз, бирингиз укам,  
Аслида бу байрам ҳаммамизники!

Осмон юлдузлари билан чиройли,  
Кеча кундузлари билан чиройли.  
Барчани бирма-бир табрикланг, майли,  
Аслида бу байрам ҳаммамизники!



# ОБОДЛИК КЎНГИЛЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Норин тумани Наманган вилоятининг олис манзилларидан бири саналади. 2023 йилда туманда истиқомат қилувчи қўллаб-қувватлашнинг узоқ йиллик орзулари рўёбга чиқди. Айтмоқчи бўлганимиз, ҳудудда қад ростлаган замонавий, барча қўлайликларни ўзида мужассам этган кўп қаватли хонадон эгалари қувончининг чеки йўқ. Давлатимизнинг чексиз ғамхўрлиги асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлаш, ота-она қарамогидан маҳрум етим болаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жойли бўлишини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.



Оилавий болалар уйлари, васийлик ва ҳомийликка олинганлар ҳам шулар тоифасидан саналади. Омадбек Раҳмонов айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси. Шу кунгача тумандаги Навоий номи маҳаллада ҳоласи Мамлакат Раҳимова хонадониди, яқинлари меҳрибонлигидан куч олиб, орзулари йўлида астойдил интилиб, яшаб келаётган эди. У янги йил арафасида ўз хонадонига эга бўлди. Омадбек ёшларга берилмаётган эътибор, давлатимизнинг ғамхўрлигига жавобан Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, танлаган касбининг устаси, етук мутахассиси бўлиб Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни ниёт қилган.

– Бизга янги йил ниҳоятда омадли келди, – деди Мамлакатхон Раҳимова. – Ҳаммамиз байрам шукроналигида, болаларимиз билан бағри бутунлиқда яраб-яшаб ўтирибмиз. Кўни-кўшининг ҳам қувончи чексиз. Менинг фарзандим Омадбек Иқтисодиёт университетида ўқияпти. Бу фарзандим олти ойлигида ёлғиз қолган, ота-онаси вафот этган. Мен шу фарзандимни қарамогимга олиб катта қўлим, энди мана уй-жой билан таъминлаганидан ниҳоятда хурсандман. Кейинги йилларда Норин туманида жуда катта ўзгаришлар бўлапти. Мактаб ва боғчалар қуриляпти, янги қурилишлар, замонавий кўринишдаги уй-жойлар барпо бўляпти. Таниб бўлмас даражада катта ўзгаришлар, янгиланишлар кўзини қувонтиради. Замонавий бинолар, таълим, тиббиёт масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Набираларимиз замонавий боғчаларда, янги мактабларда таълим-тарбия олишмоқда. Янгиликларни айтиб адо этолмайсан, киши.

Янги хонадон эгаларининг қай бири билан суҳбатлашманг, янги режалар, орзу ниётлар, мақсадлар йўлида астойдил ҳаракатда. Бобоси вафотидан сўнг, бувиси Турсунной Тошнова қарамогиди бўлган Ёдгоржон Собиржонов ҳам курсатилган эътибордан жуда хурсанд. Чиндан ҳам,

ҳар бир инсон яшар экан, ўз бошпанаси, Ватани бўлишини хоҳлайди. Таъкидланганидек, мамлакатимиздаги янгиланишлар жараёнида, энг аввало узоқ йиллардан буён уй-жойга эҳтиёжи бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни бу борада қўллаб-қувватлашда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Янги йил арафасида бизга берилган ушбу хонадон жуда катта тўхғаб бўлди, – деди Гулбахор Мирзалиева. – Шундай хайрли ишларнинг ортида турган Президентимизга мингдан-миг раҳмат айтаман. Шинам уйдаги шароитларни қўриб, жуда ҳам қувондим. Ёдгорбек синглимининг ўғли бўлади. 5 ойлигида боқувчисини йўқотгани сабаб бобо ва бувисининг қўлида катта бўлди. Биз ҳаммамиз Ёдгорбекнинг тарбияси билан шугулланамиз. Учқўрғондаги спорт мактабиди ўқиши учун шароит яратиб бердик. Ақли ва билими бола. У

Янги Ўзбекистонимиз учун муносиб ҳисса қўшади.

– Кайфиятим аъло, – деди Ёдгоржон Собиржонов. – Бу каби шароитларни яратганлари учун Давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигини билдираман. Олдимга катта мақсадларни қўйиб, маррани банд олганман. Шундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимга муносиб фарзанд бўламан. Спортнинг эркин кураш тури бўйича 3 қарра Ўзбекистон чемпиони. 2024 йилда эркин кураш тури бўйича жаҳон чемпиони бўлишга ҳаракат қиламан.

2023 йилда Норин туманининг Дўстлик маҳалласида яна бир кўп қаватли турар жой қад ростлади. Натижада 46 нафар уй-жойга эҳтиёжманд норинлик фуқаролар уйли бўлди. Шинамгина хонадонлардаги шарт-шароитлар ҳавас қилгудек. Мадина Қўчқорова ёлғиз аёл. Икки нафар фарзанднинг онаси. Янги йил байрами арафасида унинг узоқ йиллик ниётлари ушалди. Сарсону саргардонлик, ижарама-ижара юришларга чек қўйилди. Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, маҳалла фаолларининг йўл-йўриқ ва тавсиялари уни ҳаётга янги нурга билан боқшига, мақсади йўлида астойдил интилишга ундамоқда.

– Энг аввало, Ўзбекистонда яшаб турганимдан фахрланаман, – деди Мадина Қўчқорова. – Мамлакатимизда қийналган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар доимо давлатимиз ҳимояси остида. Шуларни орасида мен ҳам. Неча йиллардан буён ўзимнинг ватаним бўлишни орзу қилганман. Аллоҳга ҳисоб шукр. Президентимизга раҳмат, уйли бўлдим. Икки йил ижарада қийналиб яшадим. Тунари ухламай менинг ҳам уйим, бошпанам бўлишини сўраб дуо қилиб чиқардим. Давлатимиз



бор экан, биз ҳеч қачон ёлғиз эмасмиз. 2024 йилни янги уйларда қарши олдик. 2023 йилда қалбимнинг тубидаги орзуларим амалга ошди. Қўлимда ҳунарим бор, маҳалла фаоллари билан келишилган ҳолда менга тикув машинасини беришга ваъда қилишди. Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаيمан.

Норин туманидаги янгиланишларнинг қўламини кенг. Навоий номи маҳаллада бунёд этилган замонавий кўп қаватли уйларда ҳам бугун оилалар бахтли яшамоқда. Айни шу манзилда қурилиш жараёни давом этаётган яна 3 та кўп қаватли уйда 90 хонадонда оилаларнинг яшаши учун шароит яратилади.

– 2023 йилда Норин туманида 3 та кўп қаватли уй қуриб, битказилди, – деди Норин тумани ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Жасур Гайбуллаев. – 75 та муҳтож оилалар уйли бўлди. 2024 йилга ҳам айнан шу манзилнинг ўзида 4 та кўп қаватли уй-жойлар қуриб битказилади. 2024 йилда жами 90 та хонадон топширилади. Норин туманида катта бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Туман марказида айниқса, бирор-бир таъмирланмаган ва ёки қурилиши якунланмаган ишоотлар қолмади. Яқинда 9 та кўп қаватли уй қуриб, битказилди. 2023 йилда боқувчисини

йўқотган 10 нафар аёлларга ва 5 нафар чин етимларга уйлар топширилди.

Умуман олганда, Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида бу каби бунёдкорлик ишларининг қўламини кенг. Кейинги йилларда янги, замонавий кўп қаватли уйларни қуриш борасидаги амалий ишлар янги босқичга кўтарилди. Фикримизни рақамлар мисолида давом эттирсак: Наманган вилоятида 2017 йилгача 130 та 2-5 қаватли янги уйлар қурилган ҳолос. Кейинги йилларда бу нисбат кескин ошди. 2017-2022 йилларда Наманган шаҳри ва мавжуд туманларда 348 та кўп қаватли уйлар қурилиб, 11 114 та оила замонавий уйларда яшаш бахтига эришди. Чуст ва Поп туманларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларида 600 хонадонли 30 та уй қуриш режалаштирилган. Қурилиш жараёнлари режа асосида босқичма-босқич олиб бориламоқда. Мухими, юртдошларимиз ҳаётини рози. Янги 2024 йилда ҳам бу борадаги ишлар давом этади.

– 2024 йилда Наманган вилоятида 91 та 3 726 хонадонли кўп қаватли уйлар қуриши, хусусан, 15-16 ва ундан юқори қаватли уйларни қуриш режалаштирилган, – деди Наманган вилояти қурилиш бошқармаси

бошлигининг ўринбосари – вилоят бош архитектори Элёр Қосимов. – Шулардан 26 тасини "Янги Ўзбекистон" массивларида қуришни мақсад қилганмиз. Ҳозирда объектларни лойиҳалаштириш жараёнлари катта. 2024 йилда эса уларни қуриш, аҳолига сифатли, энергiateжамкор, қўлай шароитлари бўлган, янги, зилзилабардош уйларни қуришни мақсад қилганмиз. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар ҳамда қатор қўлайликлар яратилган. Мақсадимиз аҳоли учун фаровон турмуш шароитларини яратиш.

Чиндан ҳам Наманган бугун бунёдкорлик жадал равожланаётган ҳудудга айланиб улгурди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, Наманган шаҳрини "Бир миллионлик шаҳар"га айлантириш ва "Янги Наманган" шаҳарчасини барпо этиш ишлари ҳам жадаллашмоқда. Йирик лойиҳанинг биринчи босқичида 350 гектар майдонда 8 500 хонадонли 184 та уй-жой барпо этилади. 145 гектарли майдонда кичик саноат зоналари ташкил қилинади. 10 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Ҳозирда лойиҳанинг иккинчи босқич ишлари ҳам киришилган. Мухими, барча эзгу ҳаракатлар халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

## 2024 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича нималар ўзгарди?

Дилафрўз ҒАЙБИЕВА, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси давлат солиқ катта инспектори.

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида Солиқ кодексига 46 та ўзгаришни ва қўшимча киритилди.

Жумладан, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатини 5 йилдан 3 йилга қисқартрилганлиги, камерал солиқ текширув натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқларни тўлаш имконияти берилганлигини айтиш мумкин. Қолаверса, чет давлатларнинг қонунийлигига мувофиқ тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар ҳам қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сафига қўшилганлигини қайд этиш лозим.

Солиқ кодексининг 243-моддасига асосан, қўшилган қиймат солиғи тўлашдан овоз қилинадиган товар айланмаларидан тиббий хизматлар, ве-

теринария хизматлари ва дори воситаларини сотиш бўйича айланмалар чиқариб ташланмоқда. Бунда "Ижтимоий реестр"га киритилган фуқароларга ҚҚС суммаси (12 фоиз) "кэшбек" сифатида қайтариш механизми яратилади.

Солиқ кодексининг 246-моддаси 11-бандидаги импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатидан дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек, дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқариш учун қонунийликда белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хомашёлар чиқариб ташланди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Халқимиз манфаати устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитини яратиш билан иборат эканини одамлар юракдан ҳис этмоқда.

Бу жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасидаги туманлар аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш мақсадида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мазкур жойларда янги ва замонавий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали иш ўринлари яратиш, фуқароларни қийнаётган барча муаммоларни бартараф қилиш мақсадида вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрини Оролбўйи минтақасига йўналтириш ҳақида Президентимиз топшириқ берган эди. Хусусан, Тошкент вилоятига Мўйноқ тумани бириктирилиб, бажариладиган ишлар юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарининг топшириғига биноан, пойтахт вилоятидаги тадбиркор ва ишбилармонлар Мўйноқ туманида барча

йўналишлар бўйича бунёдкорлик ишлари жадал киришганига ҳам бир йилдан ошди.

Ҳудуд аҳоли шу қисқа давр мобайнида туман марказидан бошлаб маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари бу даражада тезлашиб кетишини халларига ҳам келтиришмаган эди. Биринчи босқичини тақрирламайдиган кўп қаватли уйлар, соғломлаштириш марказлари, эскириб, абгор ҳолга келиб қолган мактабларнинг реконструкция қилингани, янгидан қурилган болалар боғчалари, кенг тармоқли ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ишоотлар қисқа вақт оралиғида одамларнинг кўз ўнгига қад ростлади. Шунингдек, замонавий маҳалла бинолари қурилиб, ички кўчаларга асфальт ётқи-

зилди. Мавжуд кўп қаватли турар жойлар қайта таъмирланиб, аҳолига қўлай шароитлар яратиб берилди.

Мўйноқда аҳолини қийнаб келаётган энг асосий масалалардан бири – ишсизлик муаммоси эди. Бу борада замон талабига жавоб берадиган корхоналар ишга туширилгани ҳамда оила тадбиркорлиги йўлга қўйилиб, иссиқхоналар ташкил қилингани ўзини ўзи иш билан таъминлашга кенг йўл очди. Бугунги кунда пойтахт вилояти ишбилармонларининг саъй-ҳаракати билан қуриб берилган ишчан иссиқхоналарда турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилмоқда. Ҳудудда вақтинчалик ишсиз мактабни олган ҳамда дафтарлар рўйхатида турувчилар доимий иш ўрнига эга бўлган.

Мўйноқликларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш масаласи Тошкент вилояти ишбилармон ва тадбиркорларининг доимий диққат марказида бўлиб келяпти. Бу жиҳатдан тумандаги ўн иккита маҳаллада бажарилаётган ишлар ибратга лойиқ. Жумладан, 786 та яққа тартибдаги уй-жойлар таъмирланиб, уларнинг юздан ортиғи қайта қурилмоқда. 120 та кам таъмирланган ва кўп болали оилаларга эса тикиш-бичиш машиналари совға қилин-

ди. Янги ташкил этилган ўқув марказларида ёшлар касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

Шунингдек, туман ҳудудларини ободонлаштириш ва одамларга муносиб шароитлар яратиш боробарида хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, туризм ҳамда агросаноат мажмуи тармоқларини юксалтириш ва бошқа йўналишларда қиймати 524,5 миллиард сўмлик 35 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилди. Бунинг ҳисобига ўнга яқин кичик корхона, туризм ишооти қурилиб, ишга туширилди. Минг гектардан ортиқ издан чиққан экин майдонларида агротадбирлар ўтказилди ва қайтадан маданий ташкил қилинади. 10 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Ҳозирда лойиҳанинг иккинчи босқич ишлари ҳам киришилган. Мухими, барча эзгу ҳаракатлар халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Мухими, туманда шу сингари тадбирлар қарор топгани натижада минглаб кишиларнинг доимий бандлиги таъминланган ва хонадонларга барака кириб, ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги Мўйноқнинг жамоли ҳар қандай кишини ҳайратлантириши турган гап. Унинг шу даражада чирой очилди Тошкент вилояти меҳнатқашларининг ҳиссаси катта эканини алоҳида эътироф этиш лозим.

# Байрамнингиз муборак, юрт посбонлари!

## Ҳарбийларга байрам тухфаси

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллик байрами муносабати билан ҳарбийлар учун ҳудудларда бунёд этилган янги объектлар фойдаланишга топширилди. Бу эътибор Ватан ҳимоячилари учун чин маънода байрам тухфаси бўлди десак, адашмаган бўлаемиз.

### Нукусда Ватан ҳимоячилари учун турар жой барпо қилинди



Ватан ҳимоячилари куни айёми арафасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида барпо этилаётган янги "Nukus city" мавзесидаги 16 қаватли уйлардаги хонадонлар Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг ҳарбий хизматчилари, шунингдек, ҳарбий пенсионерларига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида тантанали тарзда фойдаланишга топширилди.

Хонадон қалитларини топшириш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Фарҳоджон Шерматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Расул Зарикеев, шаҳар ҳокимлиги ва куч тузилмалари вакиллари, Нукус ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар оилалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қўмондон ўз нутқида мамлакатимизда ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек улуг ва олижаноб ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар соҳага белгиланганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, охири йилларда ҳарбий оила бўлаётган эътибор туфайли ҳарбий қисм ва муассасалар, дала-ўқув майдонлари инфратузилмасини такомиллаштириш, юрт ҳимоясидек масъулиятли касб эгалари ва уларнинг оила аъзоларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий пенсионерларнинг ижтимоий муҳофазаси каби масалалар долзарб бўлиб келаётганини эътироф этди.

Нукус шаҳрида Якка терак маҳалласида қурилган 16 қаватли бинолардан ҳарбий хизматчиларга ҳам имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилиши Ватан ҳимоячиларига ўзгача байрам тухфаси бўлгани таъкидланди. Тадбир давомида янги хонадон эгаларига қалитлар тантанали тарзда топширилди.

### Хоразмда ҳарбийларга янги уйлар берилди



Байрам муносабати билан Урганч туманида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларига имтиёзли ипотека кредитлари асосида янги хонадонлар фойдаланишга топширилиши, кеча-ю кундуз ҳаловатидан айрилиб, мамлакатимиз тинчлиги йўлида фидойиларча хизмат қилаётган юртимиз ҳимоячилари учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Хусусан, тумандаги Ёшлик маҳалласининг Мустақиллик кўчасидаги илгари фойдаланилмаётган ер майдонида бугун беш қаватдан янги турар жой биносининг қурилиши мамлакатимизда сўнгги 7 йилда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишларининг давоми бўлди. Эндиликда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий пенсионерлар бу йилги Ватан ҳимоячилари куни байрамини ўз уйида қутиб оладиган бўлди.

Янги объектни фойдаланишга топшириш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Фарҳоджон Шерматов, Хоразм вилояти ҳамда туман ҳокимликлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, бахтли хонадон эгалари ҳамда уларнинг ақинлари иштирок этди.

Қўмондон ўз нутқида илгари ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масаласида қатор муаммолар мавжуд бўлганини, юрт ҳимоячиларига янги уйлар эмас, балки иккиламчи бозорда эскидан қурилган хонадонларни харид қилиб берилганини таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги 6-7 йилда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояси масаласида жуда катта ўзгаришлар содир бўлиб, эндиликда Ватан ҳимоячилари учун кўп йиллик имтиёзли ипотека кредитлари асосида замонавий дизайн, ўзгача дид ва барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилаётганини эътироф этди. Тантанали тадбир давомида бахтли хонадон соҳибларига қалитлар топширилиб, уларга яхши тилаклар билдирилди.

### Наманганда ҳарбий шаҳарча бунёд этилди



Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Наманган вилояти Поп туманидаги "Оқтепа" аҳоли яшаш пунктида 200 га яқин хонадондан иборат ҳарбий шаҳарча фойдаланишга топширилди.

Хонадон қалитларини ўз эгаларига топшириш маросимида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафурарий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги вакиллари, Поп тумани ҳокимлиги масъуллари, фахрий ҳарбийлар, ҳарбий хизматчилар оилалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўз олган мудофаа вазири ўринбосари келгусида бу ерда болалар боғчаси, мактаб, поликлиника, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш ўринлари билан таъминловчи инфратузилма барпо этилишига ишонч билдирди.

Ҳарбий шаҳарчада тўй ва байрам тантаналарини нишонлаш учун ҳам имкониятлар мавжудлиги диққатга сазовор. Янги уйлар қалитларини топшириш маросимида йиғилганлар бунга ҳақиқий маънода гувоҳ бўлишди. Чунки меҳмонлар ва хонадон эгаларига байрамона дастурхон ёзилиб, дошқозонларда ош тайёрланди.

Тадбир давомида янги хонадон эгаларига қалитлар тантанали тарзда топширилди. Меҳмонлар янги хонадонларга эга бўлган ҳарбий хизматчилар уйларига кириб, уларга оилавий бахт ва омад тилашди.

### Навоийда янги хонадонлар фойдаланишга топширилди



Ўз ҳаётини ватан ҳимоясидек шарафли ва маъсулиятли касбга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитини яхшилашга аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда, соҳа вакиллари босқичма-босқич уй-жойлар билан таъминланган. Жумладан, Навоий вилояти Кармана туманида ҳам Мудофаа вазирлиги қўшинларидаги ҳарбий хизматчилар учун янги уй-жойлар бунёд этилди.

Янги хонадонлар қалитини тантанали топшириш маросимида Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, Навоий ҳарбий прокуратураси ҳамда фахрийлар иштирок этди. Улар мамлакатимизда Қуролли Кучлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини яшаш шароитини яхшилашга эътибор юқори эканлиги ва ушбу хонадонлар чин маънода байрам тухфаси бўлганини таъкидлашди.

Шундан сўнг замонавий 5 қаватли турар жой биносидан 30 га яқин янги хонадоннинг қалитлари ўз эгаларига тантанали топширилди. Шинам, ёруғ 2 ва 3 хонали хонадонда барча шароитлар мужассам. Бу, аввало, хонадон бекларини яна ҳам мамнун этган бўлса, ажаб эмас.

Шу куни меҳмонлар янги хонадонларда бўлиб, ҳар бир оилада хурсандчилик, тўйлар ва юртимизда қилинган тинчлик ҳукмрон бўлсин, дея дуолар қилишди.

### Сирдарёда болалар учун спорт майдончаси қурилди

Мамлакатимизда аҳолини, жумладан, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг айнан иккинчи йўналиши ҳам Ёшларни жисмонан чиниктириш ва оммавий спортга кенг жалб қилишга қаратилган. Бу борада бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ислохотлар амалга оширилмоқда. Қад ростлаётган замонавий спорт мажмуалари, турли хил спорт турларига ихтисослаштирилган спорт заллари, сузиш ҳавзалари ва фитнес клублари шулар жумласидандир.

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги ҳарбий шаҳарчада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандлари учун замонавий спорт майдони фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт майдони барча замон талабларига жавоб берадиган шароитга эга бўлиб, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тантанали очилиш маросимида Тошкент ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги масъул офицерлари, Ширин шаҳар ҳокимлиги масъуллари, шаҳардаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, фахрийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар барчани спорт майдони очилиши билан табриклаб, бу каби бунёдкорлик ишлари юрт ҳимоячиларининг жанговар шайлик даражаларини яна бир поғона кўтаришига хизмат қилишига ишонч билдирди.

## Халқ ва армия – бир тану бир жондир



Валижон ҲАҚЛИЕВ, доцент, тарих фанлари номзоди, ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси.

Мустақилликка эришганимиздан кейин миллий армиямизда амалга оширилган ислохотлар туфайли Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудрати янада ошди. Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, "Халқ ва армия – бир тану бир жондир" деган эзгу тамойил бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Дарҳақиқат, халқ ва армия бир-бирдан ҳеч қачон ажралмас, ягона тушунчалар ҳисобланади. Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат, улуг саодат ва барқарор тараққиёт гаровидир. Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида тинчлик-товушликка интилиб яшаган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умуминсоний муаммоларнинг асосини ташкил этади. Уни сақлаш муаммосини бир ёки икки давлатнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан баргараф этиб бўлмайди. Инсоният бу олий неъматга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлари туфайлигина эришган. Қолаверса, юрт тинчлиги мустақилликни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди.

Бугун қуролли кучларимиз сафида "Миллий гвардия", "Чегара қўшинлари", "Ҳаво десант қўшинлари", "Ҳарбий ҳаво кучлари", "Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари", "Махсус қўшинлар" юртимиз осойишталиги йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида армиямиз моддий-техник базаси замон талабларига мослаштирилди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида қатор имтиёзлар берилди. Энг муҳими, халқимизнинг Ватан ҳимоячиларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Ўзбекистон

тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда армия ва халқимиз биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг ҳарбий салоҳияти жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилаётганини унутмаслигимиз керак. Ўзбекистон 2023 йил якуни бўйича дунёнинг энг қудратли давлатлари рейтингига 51-ўринга кўтарилди. Бу рейтинг мамлакатларнинг иқтисодий қудрати, жаҳон сиёсий сатҳасига таъсири, ҳарбий қудрати, дунёдаги етакчилик ва халқаро альянслардаги иштироки каби мезонлар асосида баҳоланган. Буларнинг барчаси модернизацияга интилаётган, юз бераётган муҳим жараёнларда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз таъсири ва қудратини оширишда давом этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳозирги даврга келиб жаҳон миқёсида ўзининг тактикаси ҳам маънан, ҳам жисмонан етук бўлган армиясига эга. Бугун улар халқимизни тинч-осойишта олиб боришда кенг қўламли ишлар натижасида армиямиз моддий-техник базаси замон талабларига мослаштирилди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида қатор имтиёзлар берилди. Энг муҳими, халқимизнинг Ватан ҳимоячиларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Юртимиз озодлиги учун жон фидо қилган Широк, Тумарис, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ва жадид бекларимизнинг авлодлари эканлигини ёдда сақлаш лозим.

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР – ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик омили

Миржалол СОДИҚОВ, Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси.

Юртимиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар чегара билмас.

Дарҳақиқат, давлатимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ҳар қандай ички ва ташқи таъвозулардан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари таркибига кирувчи барча тузилмаларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Содир бўлаётган геосиёсий жараёнлар, қитъа ва минтақада ташқи сиёсий вазиятнинг ўзгариши шубҳасиз миллий хавфсизликнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучлар тизимини ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бу бўйича вазифаларни бажариш, хавфсизликка таҳдидлар ва барча ўзгаришларга ўз вақтида жавоб қайтара олишга тайёр туриши лозим. Қуролли куч давлатлараро сўбатда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бирга, замонавий уруш, қуролли кураш воситалари ва ҳарбий санъат назарияси доимий равишда ривожланмоқда.

Давлат ва армиянинг генезиси жамият, давлат ва шахс учун аниқ ҳарбий таҳдидларга самарали қарши курашишни амалга ошириш зарурлигини англаш билан бевосита боғлиқ.

Замонавий шароитда миллий хавфсизликни мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолмоқ, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни суверен ҳал қилиш ва тизимнинг мустақил субъекти сифатида ҳаракат қилиш қобилиятини мустаҳкамловчи синергик мезон шаклида қўриб чиқиш мумкин. Миллий хавфсизликнинг объекти инсон – унинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият – унинг маънавий ва моддий бойликлари; давлат – унинг конституцийвий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигидир. Миллий хавфсизлик кўп компонентли ва кўп босқичли тушунча. Унинг мазмуни ва тузилishi турли муаллифлар томонидан аниқликдан йироқ тарзда белгиланади. Бирок, қўллаб-қувватлаш ва фикрлар орасида шубҳасиз давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қуролли Кучлар ҳар доим маълум бир давлат сиёсий режими барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда Қуролли Кучларни ривожлантириш, ҳарбий хизматнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини оширишнинг барча йўналишларида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу армиянинг жанговар тайёргарлиги ва техник жиҳозлаши сифатини сезиларли даражада яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кафолатлаш, уй-жой муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш, халқаро ва ҳарбий ҳамкорлик доирасида армия оёғусини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

# Қурилиш маданиятини ривожлантириш – СОҶА ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИДИР



Исламбек ДАВЛЕТОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университетининг менежмент кафедраси профессори.

Республикада қурилиш соҳаси миллий иқтисодий таъминнинг драйверига айланиб бормоқда. Хусусан, бино ва иншоотлар, уй-жойлар, ижтимоий объектлар, таълим муассасалари, поликлиника, касалхона, соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари, алломаларимизга бағишлаб қурилган мақбаралар, Тошкент шаҳридаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази, "Olmazor Business City" турар жой мажмуаси, "Pyramid Tower" кўп тармоқли мажмуаси, ер ости ва ер усти янги метро линиялари, йирик йўл ўтказгичлар ва бошқа кўпжаб иншоотлар қад ростламоқда. Булар нафақат шаҳарларимизга кўрк, балки дунё миқёсида мамлакатимизнинг ривожланаётган давлатлар қаторига қўшилаётганидан дарак беради.

Албатта, бу юксак қурилишлар замирида соҳанинг ўзига хос миллийлиги ва маданияти билан боғлиқ жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, қурилиш маданияти масаласига тўхталсак, бу тушунча бизда жуда қадимдан мавжуд бўлган. Археологик изланишлар ва қазилмалар натижаларига асосланган ҳолда миллодан аввалги асрларда қурилган қалалар, турли сув иншоотлари, сугориш тизимлари ҳамда бошқалар буларнинг тасдиғи сифатида эътиборга эришмоқда. Шу боисдан ҳам ҳозирда аждодларимиздан мерос қолган қурилиш маданияти асосида мустаҳкам, кўрк, ўзига хос, бетақдор жажон андозаларига мос замонавий бино ва иншоотлар қад ростламоқда.

Қайд этиш жоизки, сўнгги 6 йил давомида мамлакатимизда уй-жой қурилиши ва уни сақлашни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса аввало, халқимизнинг ана шундай эзгу орзу-умидлари рўёбига хизмат қилаётгани, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги инсон кадрини улуглашга йўналтирилган ислохотларнинг амалий ифодаси ўлароқ муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энди "қурилиш маданияти" атамаси, унинг мазмун-моҳияти ва асосий тамойилларига тўхталсак. Қурилиш маданияти – бу юқори сифатли ва бардошли тузилмаларни яратишга имкон берадиган муайян тамойилларга асосланган комплекс ёндашувдир. У қурилиш жараёнининг барча босқичларини, яъни объектни лойиҳалашдан бошлаб, то ундан фойдаланиш тугагунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Қурилиш маданиятининг асосий тамойилларидан бири – бу сифатдир. Объектларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнида материаллар ва технологияларнинг танлашга жиддий эътибор бериш, шунингдек, қурилиш ишларининг барча босқичларини назоратта олиш лозим. Фақат ушбу ёндашув натижасида қурилиш объектларининг юқори сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Қурилиш маданияти нафақат объектнинг функционалиги ва хавфсизлигини,

балки унинг атроф-муҳит билан уйғунлигини ҳам ҳисобга олишни аниқлатади. Шу нуқтага назардан қараганда, қурилиш маданиятининг муҳим ажралмас қисмларидан бири экологик масъулиятдир. Замонавий қурилиш технологиялари ва материаллари экологик тоза ва энергиятежамкор объектларни барпо этиш имконини беради. Бундай ечимлардан фойдаланиш нафақат атроф-муҳитга салбий таъсирни, балки эксплуатацион сарф-харажатларни ҳам сезиларли даражада камайтиришга олиб келади. Қурилиш маданияти мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам юқори сифат ва энергия тежамкорлик туфайли турли қурилиш объектлари инновацион ёндашувлар асосида барпо этилиб, иқтисодий самарадорлик ва инсонлар турмуш даражасини янада оширишга эришилмоқда.

Ушбу тушунчанинг асосий мақсади қурилиш-монтаж ишларининг юқори сифатини таъминлаш, меъёр ва стандартларга риоя қилиш ҳамда қурилиш фаолияти самарадорлигини оширишдир. Қурилиш маданияти нафақат қоғдалар ва меъёрларни, балки ахлоқий тамойилларни, шунингдек буюртмачилар, пудратчилар ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Унинг яна бир муҳим жиҳати ишчиларнинг хавфсизлигидир. Қурилиш дунёдаги энг хавфли соҳалардан биридир. Шунинг учун ҳам хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоғдаларига риоя қилиш биринчи галдаги вазифалар ҳисобланади. Шунингдек, қурилиш маданияти ишчиларнинг хавфсизлик қоғдаларига ўргатишни ҳамда замонавий ва хавфсиз ускуналардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Бу маданиятни шакллантиришда экологик масъулият муҳимлигини қўриқда таъкидлади. Чунки қурилиш фаолияти атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун бу тушунча экологик меъёрлар ва стандартларга риоя қилишнинг ўз ичига олади. Шу боисдан, қурилиш

ишлари табиий ресурсларга минимал таъсир кўрсатадиган ва атроф-муҳит учун мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Қурилиш маданиятининг асосий тамойиллари замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юқори сифатли ва барқарор қурилиш объектларини яратиш учун асос ҳисобланади. Қурилиш маданиятининг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Сифат.** Қурилиш маданиятининг асосий тамойилларидан бири, бу қурилиш-монтаж ишларининг юқори сифатига интилишдир. Қурилиш сифати нафақат қурилган объектларнинг мустаҳкамлиги ва ишончилиги, балки уларнинг эстетик ва функционал жиҳатдан мувофиқлиги билан ҳам белгиланади.

**Барқарорлик.** Объектларни лойиҳалаш ва қуришда уларнинг турли хил нуқул экологик омилларга чидамлигини ҳисобга олиш керак. Бунда қурилиш материалларининг об-ҳаво шароити ва вақт таъсирига боғлиқлиги эътиборга олинади.

**Инновация.** Қурилиш маданиятининг асосий тамойилларидан бири, бу доимий равишда инновациялар ва илғор технологиялардан фойдаланишга интилиш ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, қурилиш-монтаж ишлари самарадорлиги ва сифатини ошириш учун янги материаллар, конструкция ва буюмларни, шунингдек, қурилиш усулларини қўллашни ўз ичига олади.

**Профессионализм.** Қурилиш маданияти объектларни лойиҳалаш, қуриш ва уларнинг эксплуатацияси билан шуғулланидиган юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Мутахассисларнинг касбий маҳорати ва масъулияти қурилиш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

**Ишчинон масъулият.** Қурилиш маданияти доимо жамият манфаатлари ва эътиҳолларини ҳисобга олишни қўлайди. Шу боисдан, қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ва

ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларни, шунингдек, ижтимоий жиҳатларни, хусусан, имконияти чекланган инсонлар, кам таъминланган оилалар ва жамоат эътиҳолларини инобатга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда янги қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалашда бугунги кунда муҳим омил ҳисобланган – сейсмик хавфсизликни таъминлаш, шу қаторда, республикамизнинг аксарият ҳудудларида мавжуд ва янги қурилган кўп қаватли уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, йўл қурилиши, муҳандислик-коммуникация тизимлари ва инфратузилма объектларини барпо этишда белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоғдаларига риоя қилиш бугунги кун талабидир. Афсуски, аксарият фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан кўп қаватли уйлар атроф-худудлари ўраб олиниб, хонадон ичкариси ва ертўлларида турли даражада қайта режалаштириш (перепланировка) ишлари билан шуғулланилаётгани, оқибатда биноларнинг асосий конструкцияларига мустаҳкамлигига путур етказилаётгани, янги бино ва иншоотлар қурилишида соҳа мутахассислари томонидан назорат ишларининг сустиги ва бошқа шу каби ҳолатлар бугунги кунда қурилиш соҳасида маданиятни янада юқори даражага кўтариш лозимлигидан далolat беради.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш кераки, бугунги кунда лойиҳалаш ва қурилиш ишларида белгиланган норма ва қоғдаларга риоя этиш, соҳани энергия ва ресурстежамкор технологиялар ҳамда экологик тоза материаллардан фойдаланишга йўналтириш, бошқарувнинг замонавий усуллари ва тамойилларидан фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратилиши Ўзбекистонда қурилиш соҳаси маданиятини ва инсонлар ҳаёти фаровонлигини янада юқори поғоналарга олиб чиқишга яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

## ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

### Янги турар жой мажмуаси

Шухрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Қарши шаҳрининг "Шўртангаз" МФЙда 125 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли замонавий типдаги "Мустақиллик" турар жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.



Мажмуа "1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" ташкилоти қурувчилари томонидан қуриб битказилган бўлиб, унда янги уй эгалари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Турар жой мажмуасининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов, секторлар ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ҳокими, нурунийлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирок этишди. Тадбирда вилоят раҳбари хонадон эгаларини янги уй билан қутлади.

## IT ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази

Кейинги йилларда IT соҳаси мамлакатимизда жадаллик билан ривожланаётган муҳим тармоқлардан бирига айланди.

Бу борада Президентимизнинг соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш баёнига кўра, ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликларида замонавий компьютер технологиялари ҳамда IT йўналишида камида 100 миң АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш топшириги берилган эди.

Шу асосда Шаҳрисабз туманида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, туман ҳокимлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вазирлиги ҳамкорлигида 150 миң АҚШ доллари грант маблағи ҳисобидан IT ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази (хизмати) ташкил этилди.

Мазкур марказда ҳозирги вақтда лойиҳани амалга ошириш ишлари якунига етказилиб, 70 800 АҚШ долларилик энг сўнгги русумдаги компьютер жиҳозлари, 16 500 АҚШ долларилик мебель жиҳозлари ва машиий техникалар, ҳамда 30 миң АҚШ долларилик кўёш панеллари олиб келинган. Марказда айна пайтда дастурий таъминот, график дизайн, инглиз тили йўналишида жами 128 нафар ўқувчига таълим берилмоқда. Ўқув режасига кўра, 2023-2024 йил давомида 120 нафар, жумладан, дастурий таъминот ўқув курсида 40 нафар, график дизайн йўналишида 40 нафар ва АКТга мўлжалланган инглиз тили йўналишида 40 нафар маҳаллий ёшларга бепул таълим берилиши кўзда тутилган.

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдога таклиф этади!

Такрорий аукцион савдога "HUDUDGAS POYTAXT" gaz ta'minoti filialining 2023 йил 23 февралдаги 41-01-22-27/1934-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Уйсозлар кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситалари номи, русуми ва ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 162 NCA бўлган "GA3-31029" русумли автотранспорт	3 877 046,50
2.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 420 ZAA бўлган "GA3-31029" русумли автотранспорт	3 884 868,00
3.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 575 WBA бўлган "GA3-31029" русумли автотранспорт	3 933 074,00
4.	1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 732 WBA бўлган "GA3-330210" русумли автотранспорт	19 691 972,50
5.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 143 ZBA бўлган "GA3-330210" русумли автотранспорт	19 691 972,50

Такрорий аукцион савдо 2024 йил 12 январь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 10 январь кунини соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2024 йил 12 январь кунини сотилганга тақдирда, такрорий савдолар 2024 йилнинг 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти оқлатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувиға асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлири шарт: 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олижон кўчаси, 13-А" уй. Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гўвоҳнома.

## Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум)
MOEI-RIDP-AND-W-47	Улучшение электроснабжение на территории МСГ "Узумзор", МСГ "Кургонча", МСГ "Дустлик" и МСГ "Корабоғиш" Мархаматского района	5 806 005 498	180	116 120 110
MOEI-RIDP-AND-W-48	Улучшение электроснабжение на территории МСГ имени Ойбек и МСГ "Шуржакир" Мархаматского района	6 838 687 140	180	136 773 743
MOEI-RIDP-AND-W-49	Улучшение электроснабжения на территории МСГ "Ёрбоши", МСГ "Раиш", МСГ "Сойбуий", МСГ "Куприкбоши" и МСГ "Истиклол" Булакбашинского района	7 923 717 112	180	158 474 342

### ГУП Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при областном хокимияте Андижанской области

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных Работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленных в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 340 000 сум.

ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области  
Адрес: Андижанская обл., г. Андижан, пр. А.Навои, дом 30 (1-этаж, 106-кабинет).  
Тел./факс: 74-223-57-05. E-mail: andijon.tender@mail.ru

Получатель: ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области  
Банковские реквизиты:  
p/c: 2021 2000 4036 4994 4001 в Андижанском гор. отд. АТБ "InFinBank"  
ИНН: 202 453 348 МФО: 01114

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 5 февраля 2024 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС. Организация для подачи предложений: ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области.

Адрес: Андижанская обл., г. Андижан, пр. А.Навои, дом 30 (1-этаж, 106-кабинет).  
Тел./факс: 74-223-57-05. E-mail: andijon.tender@mail.ru  
Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.



# ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАҚБАРАСИ – ХИВА ЛАНГАРИ

**Очк осмон остидаги музей-шаҳар Хивада тарихий обидалар жуда кўп. Аммо уларнинг ичида шундай бир гўзал обида борки, у ерга келган сайёҳларнинг бир ҳайратига ўн ҳайрат қўшилади. Бу Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидир. Мухбиримиз Болтабой МАТҚУРБОНОВ “Ичан қалъа” музей-қўриқхонаси илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ билан Паҳлавон Маҳмуд шахси ва унга атаб турли йилларда қад ростлаган мақбаралар қурилиши ҳақида суҳбатлашди.**

– Паҳлавон Маҳмуднинг дунёга келиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.  
– Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги ёзма маълумотлар, унинг тарихи ҳақидаги ва фаолиятини тўлиқ тиклаш учун ҳали етарли эмас. Шундай бўлсада, бизгача етиб келган таъкир, маноқиб ва ривоятлардан, тарихшунос ва адабиётшунос олимларнинг асарларидан Паҳлавон Маҳмуднинг машҳур полвон, хунарманд бўлиши, телпақдў уста ва буюқ файласуф шоир бўлганини биламиз. Унинг хунарманд отаси Пирейвали Хоразм пойтахти Урганч (Кўҳна Урганч) Чингизхон босқинидан кейин харобага айлантирилган, ҳомилдор хотини билан бозори ахшироқ Хивага кўчиб келади. Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғига келганда, ҳижрий 645, милодий ҳисоб билан 1247 йилда Пирейвалининг хотини ўғил туғди. Унга Маҳмуд деб исм берилади.


Жисмоний ва маънавий камолотни ўзига мужассамлаштирган бу йилнинг шухрати Мовароуннахр ва Хуросондан тортиб, Эрону Хиндистонгача етиб боради. У Хоразмнинг кўп шаҳарларида, ҳатто Хиндистонга бориб машҳур полвонлар билан кураш тушади. Лекин ҳеч ерда енгилмайди, бутун умр елкаси ерга тегмай, мамлакатнинг бош полвони бўлиб қолади. Шу сабабли халқ ўртасида жуда кўп афсона ва ривоятлар пайдо бўлиб, уни машҳур полвон, халқ ғамхўри, ажойиб ватанпарвар ва шоир сифатида тилга олишади. Халқ унга “Паҳлавон” лақабини бериб, уни “Паҳлавон Маҳмуд”, “Полвон ота”, “Ҳазрати Полвон пир” деб эъзозлайди. У хиваликлар учун шаҳарнинг бош ҳомиёиси-пирига айланади.

– Нима учун Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини Хиванинг лангари дейишди. Бунинг сабаби нимада?  
– Ривоятларда айтилишича, Нух пайғамбарнинг ўғли Сом бир куни овдан кейин қумликдаги баланд тепалиқнинг устида ётиб ухлайди ва туш кўради. Тушига отаси кириб, шу ухлаб ётган ерида бир қалъа қуришни буюради ва “қалъанин шаклини менинг кемамга ўхшатиб кургин”, дейди. Шунда Сом отасига “кема шаклидаги шаҳар кемадек чайқалиб турувчи бўлади-ку”, деганида отаси унга “биз унинг ўртасига лангар ташлаймиз”, деб жаноб беради. Шундан кейин Сом бу жойда отаси Нухнинг кемасига ўхшатиб қалъа барпо қилади.

Мақбаранинг қурилиш тарихи ва архитектураси билан махсус шуғулланган санъатшунос олим И. Ноткин: “Мақбара XIV асрда дастлаб Сайид Аълоуддин мақбарасига ўхшаган бир хонали ичкан бино бўлган бўлса керак”, – деб таҳмин қилади. Хивалик қарияларнинг сўзига қараганда, Полвон ота кексайганида шогирдларига вафотидан кейин ўзи пўстин тикадиган ва яшаётган уйига дафн қилишларини васият қилади. Шогирдлари унинг васиятини бажаришган ва Полвон отани ўзи уйига дафн қилганлар. Кейинчалик қабр устига чўбқори (нигирик) мақбара гумбазини тиклашган. Аста-секинлик билан Полвон ота қабри ёнида қабрлар пайдо бўла бошлайди ва улар йиллар ўтган сайин кўпайиб, катта қабристонга айланади. Орадан уч аср ўтиб, Хива шаҳри мамлакат марказига айланган, ҳукмдорлар ҳам Полвон ота ёнидан ўзларига абадият уйи тайёрлаб бошлади.

1663 йилда вафот этган Абулғозий Муҳаммад Баҳодирхон Полвон ота мақбарасига дафн қилинади. Унинг ўғли Анушахон даврида Паҳлавон Маҳмуд ва Абулғозийхон қабрлари устида каттароқ мақбара қурилади. Шундан кейин XVII асрнинг иккинчи ярмида ҳукмдорлик қилган Анушахон, Худойодхон, Аранхон, Жўжишон, Шохниёзон, XVIII асрнинг бошида ҳукмдорлик қилган Ёдгорхон, Темирғозихон ва уларнинг яқинлари бу ерга дафн қилинади. 1810 йилда Кўнгротта навабатдаги юриши муваффақиятли бўлган Муҳаммад Раҳимхон I Полвон ота мақбарасини қайта қуриш ва ўзига ҳам шу ердан жой тайёрлатиш учун буйруқ беради. Бу қурилишга маъмур этиб тайинланган Муҳаммад Юсуф меҳтар эскирган иморат ратларини йиғиб, пишган ғиштдан янгидан қурдилади. Катта гумбазли хонақоқ турида Муҳаммад Раҳимхон I учун қабр тайёрлаб қўйилади. У 1825 йилда хон вафот этган, шу жойга дафн қилинади.

Отасининг ўрнига тахтага ўтирган О-



лоқулихон мақбара катта гумбазининг шарқий деворига ёпиштириб шимолдан жанубга қўзилган дахлиз қурдилади. Дахлиз ўртасининг шарқ томонидаги чўқур равоқда ўзи учун қабр тайёрлатиб, бутун мақбарани қошин билан безатиш ҳақида фармон беради. Нақшош уста Абдулла Болтаевнинг ёзишича, “Муҳаммад Юсуф меҳтар бу ишга машҳур қошинкор усталардан ҳазораслик Одина Муҳаммад ўғли (Хитой қишлоғи), хонақал Абдол Жаббор Исҳоқ ўғли (Мадир қишлоғидан), янгириқлик Мулло Қодир Барди ўғли (Каттабўғ қишлоғидан), хивалик Абдулла Ёқуб Хусайн ўғли (Шайхлар қишлоғидан), Мулла Муҳаммад Паноҳ ўғли (Сағнар қишлоғидан), Мулла Нур Муҳаммад ўғли ва бошқаларини жалб қилади”.

А. Болтаевнинг сўзларига аниқлик киритиш мақсадида хивалик Бобонон Сафаров шундай ёзиб қолдирган: “Муҳаммад Раҳимхон I буйруғи билан ҳазораслик Мулла Абдул Карим (Мулла Ука ҳам дерлар) усталиғ қилиб, 1225 (1810) ҳижрий йилда битказган. Мақбара гумбазини қишлоғидан нақшларини Юсуф меҳтар сохиборлигида 5 нафар уста 1254 (1238) ҳижрий йилда тамом қилганлар. Катта гумбазининг шарқий девор нақшларини хивалик Мулла Нур Муҳаммад, шимолий девор нақшларини мадрлик Мулла Абдул Жаббор Эшжон ўғли, ғарбий деворини хитойлик Мулла Одина Муҳаммад исми мий нақш қилганлар. Жанубий деворини шайхларлик Мулла Абдулла “жин” исми мий нақш қилган. Гумбазининг таҳсини сақиз табақа қилиб каттабўғлик Мулла Қодир Бағбан исми мий нақш қилган ва ҳам бошқаларига раҳбарлик қилиб қишлоғидан деворга ўрнатган. Ва кичик гумбазларини ҳам нақшларини ушбу беш нафарларини ишлаганлар”.

– Мақбара қурилишининг ўзига хос хижатлари ҳақида маълумот берсангиз.  
– Бу усталарнинг бажарган ишлари бугунги кунгача ажондан келаётган барча олим сайёҳларни хайратда қолдиради. Мақбара Муҳаммад Раҳимхон I томонидан қайта қурилгани сабабли, XIX аср давомида ва XX аср бошида Хива хонлари кўнгрот сулоласининг гўрхонаси сифатида ҳам эъзозланди. Уста хунармандлар нотинч ва серташвиш дундорлар ҳам уларнинг маҳорати ва санъатини сақлаб қолдилар.

Аждодлар аъёнларини моҳирлик билан давом эттирдилар. Полвон ота мақбарасини беэҳад усталар уларнинг бутун хунарини ишга солиб, иморатни чиройли бўлиши учун Полвон отага бўлган хурматини намоён қилдилар. Мақбара қошинларидаги нақш гулларнинг аксари ранги оқ, кўк ва зангори бўлиб, бу рангларнинг танланиши ҳам беэҳад эди. Чунки қадимдан оқ ранг тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи, кўк ранг мовий осмон, ёмон кундан асраш, зангори олий эътиқод рамзини билдирган ва ёвуз руҳлардан сақлаган. Нақшларда ҳам олам-олам маънолар яширинган. Масалан, айлана нақшлар ичига ҳар хил гуллар расмининг ясалиши ёки нақшларнинг ўзи айлана-айлана бўлиб кетиши, ёвуз нијяти кишини нијатдан қайтариш учун қилинган.

Кошинлардан бирида булбул сурати тасвирланган бўлиб, у садақат рамзини билдиради. Оллоқулихоннинг отасига ва Полвон отага садақотини билдиради. Шунинг учун ҳам катта гумбазининг тўртлик девори тепасидаги ва ундан ҳам баланддаги сақизлик девори – таҳсидаги қошинларда Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлари ёзилган. Бу рубоийлар Оллоқулихоннинг буйруғи билан танланган. Оллоқулихон Хивадаги энг ҳашаматли сарой – Тошхўлини қурдириб, унга қошинлар билан безаб беришдан аввал отасининг ётган жойи Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини қошинлар билан безаттирган.

Паҳлавон Маҳмуднинг мақбараси хивалик ҳукмдорлар учун энг муқаддас жой ҳам ҳисобланган. Бу жойда тахта кўтарилган анги подшоҳ қасамдў халта. Унинг хонақоҳи ва зиёратхонасининг ички деворларидида қошин гушларга Паҳлавон Маҳмуд-Пурейвалининг рубоийларидан 22 таси танлаб олиниб, тўрт томон деворга насталиқ ҳақида чиройли қилиб бир сатрда ёзилган.

– Кейинги йиллардаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида олиб боришга таъмирлаш ишлари ҳақида тўхталсангиз.  
– 1910-1913 йилда мақбаранинг ғарбий қисмида Хива хони Исфаҳонийхон онаси, ўзи ва ўғли учун қабрхона ва тўртта хужрадан иборат икки ошёдли қорихона бунёд эттирган. Қурилиш ишларига уста Курбонниёз бошчилик қилиб, қорихона қаршисига ўймақори устулни айвон қурилган.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси 1950-1955 йилларда машҳур уста Рўзмет арбоб Машарипов, 1969-1970 йилларда уста Тангриберган Бекиев раҳбарлигида таъмирланиб, гумбазининг зангори қошинлари янгиланди. 1997 йилда, Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи арафасида Ўзбекистон таъмиршунослик лойиҳалаш институти архитекторлари Рензи Беширов, Абдумалик Салимбоев, Озод Жуманиезов ва Мирмақсуд Мирзарахимовлар тузган лойиҳа асосида Хива таъмиршунослик хиссдорлик жамиятининг қошинпазлик цехи устаси Рўстам Тоҳиروف гумбазинг зангори қошинларини пишириб берди. Шомурот Паноев ва Омон Исмоилов каби усталар эса гумбаз устидаги қошинларни янгилади.

Бугунги кунда мақбаранинг бош пештоғида қошинларнинг таъмирга муҳтожлиги сабабли Каттабўғ қишлоғидан келган усталар нақшларнинг кўчиб кетган қисмларини қайта тиклашди. Бу усталар Оллоқулихон даврида қошин ўрнатган уста Мулло Қодир Бардининг авлодаридир. Мақбара атрофидаги 54 гумбазли, жумладан, 13 та пештоқли мақбара, 76 мазор ва битта “омонат” мазор бўлиб, ҳаммаси таъмирдан чиққан. Кейинчалик, 2007 йилда айвон устунлари, йўлақлар, қудуқ атрофи ва унинг тепасидаги чиройли ошёдли ёғоч гумбаз, пештоқнинг баъзи тушиб кетган сирли қошинлари қайта таъмирланган. 2012 йилда гумбаз таъмирланиб, қошин билан қайта қопланди. Мақбара маданий-тарихий мерос объекти сифатида давлат ҳимоясига олинди.

Бир неча юз йиллар давомида бу мақбара мусулмонларнинг зиёратгоҳларидан бири ҳисобланиб келади. Ҳозирги кунда ҳам Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ўз маҳабатини йўқотмаган. 1997 йилда республика миқолида буюқ мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллиги кенг нишонланди. Улуғ шоирнинг ўлма сурати рубоийлари тараққийпарвар инсонларни ҳаммаша мардлик ва жасоратга соғлайверади. Мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, олдинда ҳам гўзал обидага айланган Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи Хиванинг ҳомиёиси ва шаҳарнинг зийнати саналади.

– Маълумини суҳбатингиз учун ташаккур.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Таҳрир хайъати раиси),  
Шерзод Хидоят,  
Давронжон Адилов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

## ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Мақкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»  
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСАЛРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
«Узсанотқурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎЗГАСЖЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

## ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-141.  
1761 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдиган.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

## КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

Ўза якуни – 22.55.  
Топшириди – 23.20.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Январ ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Компетенцияни ривожлантириш ва малакани баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Низамжон Искандаров**, Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бош мутахассиси **Дилорам Сатимова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишларининг назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ёдгорбек Икромов**,

“O'zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетаси муҳбири **Муродбек Ҳайдаров**,

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти бош мутахассиси **Абдулазиз Сайдуллаев**, етакчи мутахассиси **Наталья Зайцева**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Конструкторлар бюроси бошлиғи **Достонжон Маҳмадиев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Яҳё Тошпулатов**,

“O'zog'irsanoatloyiha” АЖ электриктехника ва автоматика бўлими бошлиғи **Игорь Волошин**, Муҳандислик тузилмалари ва конструкциялари бўлими бош муҳандиси **Абдулазиз Ҳасанов**, муҳандис **Ғулмонжон Ботиров**,

“Ташгипрогор” АЖ сектор раҳбари (ГАП) **Татьяна Шкилева**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Бахтияр Каниязов**,

Бухоро тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Шамсиддин Музаффаров**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Буюртмачилар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Рустам Ахмедов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими бошлиғи **Юсуф Худайкулов**, Кўп квартиралли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Муяссарбек Сафаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Тахياتош туманидаги “Taḡiyatas basqariv servis kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Азамат Айтмуратов**,

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги “Davronova Malika” МЧЖ бош директори **Малика Давронова**,

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги “Иттифок Истиклол Сари” МЧЖ бош директори **Дилором Ҳамзаева**,

Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги “Янги Тойлоқ бошқарув сервис” МЧЖ бош директори **Анвар Курбонов**,

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги “Parkent Yog'dusi Bsk” МЧЖ бош директори **Зулхумор Мирюсулова**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги “Фотх Давр сервис” МЧЖ бош директори **Абдурахмон Хасиридов**,

Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида “Урганч билдинг ПБК” МЧЖ бош директори **Жаҳонгир Атажонов**,

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги “Anor Communal” МЧЖ бош директори **Наргиза Джуманиязова**, Миробод туманидаги “Sifatli Tezkor Lider” МЧЖ бош директори **Дилфуза Вафина**, Мирзо Улуғбек туманидаги “Ta'mirlash Xizmat Ko'rsatish” МЧЖ бош директори **Раҳим Асилнов**, Олмазор туманидаги “G'alaba Nihollari Servis Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ БСК бош директори **Марғуба Эшметова**, Чилонзор туманидаги “Силвер сити” МЧЖ бош директори **Жалолиддин Хўжаназаров**, Юнусobod туманидаги “Пук Миронсу Профиссионал” МЧЖ бош директори **Дилбар Ҳасиноваларни** таваллуд кунини билан чин дилдан мубороқабд этишимиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,  
УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,  
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**